Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 11 март, № 50 (7830) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркель 12 март куни видеоанжуман шаклида учрашув ўтказадилар.

Икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кўп қиррали шерикликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқишлари кўзда тутилган.

Олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш, конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар ҳамкорликка доир қўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Музокараларда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил январь ойида расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлди, ўша йилнинг май ойида эса Германия Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

Германия Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий, инвестициявий ва технологик шерикларидан биридир.

Ўтган йил якунларига кўра ўзаро товар айирбошлаш 829 миллион долларни ташкил этган, мамлакатимизда Германиянинг 700 миллион доллардан зиёд инвестициялари ўзлаштирилган. Ўзбекистонда 200 га яқин қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

ЎзА.

Сенатнинг ялпи мажлиси олдидан

ЯНГИ ҚОНУНЛАР — СОҲА ТАРАҚҚИЁТИ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми қишлоқ хўжалигида бандлигини ҳисобга олсак, соҳа тараққиёти учун мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш долзарб масалалардан. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида бир қатор янги қонунлар кўриб чиқилиши кутилмоқдаки, уларда айнан аграр ислоҳотлар назарда тутиляпти.

Жумладан, янги таҳрирдаги “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонун деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солишда асос бўлади.

Ҳозирги пайтда деҳқон хўжалигига оид муносабатлар 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солиб келинмоқда. Шунга кўра, деҳқон хўжалигини ташкил этиш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, мазкур хўжаликларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди.

Қонунда деҳқон хўжаликларига тўғридан-тўғри ер участкасини мерос сифатида қолдирадиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан бериш амалиёти ўрнига бундан кейин ер участкасини ижара асосида бериш тизимини жорий этиш каби янгиликлар киритилди. Бундан ташқари, ер участкаларини боғдорчилик ва узумчилик учун эллик йил муддатга, сабзавотчилик, полизчилик учун ёки бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун ўттиз йил муддатга ижарага бериш ҳам ҳужжатда белгиланмоқда.

Яна бир муҳим янгилик — деҳқон хўжалиги томонидан ўзининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан олинган даромадларга солиқ солинмаслигидир. Эндиликда низо мавжуд бўлган тақдирда деҳқон хўжалиги ерларини олиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2021 йил 12 март куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилади.

ҚАРДОШЛИГИМИЗ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИМИЗ УЧУН МУСТАҲКАМ АСОСДИР

Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Иброҳим Жунусов билан суҳбат.

Халқаро ҳамжамият Марказий Осиёда сиёсий муҳит яхшиланаётгани ва иқтисодий алоқалар фаоллашганига гувоҳ бўлмоқда. Бунга Ўзбекистон раҳбариятининг минтақадаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ишончли шериклик, конструктив, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли мулоқотни кенгайтиришга қаратилган янги ёндашувлари ва ташаббуслари хизмат қилмоқда.

«Дунё» АА мухбири Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Иброҳим Жунусов билан бугунги кунда икки томонлама ҳамкорлик қандай ривожланаётгани, мамлакатларимиз минтақа тараққиёти ва келажагига қандай ҳисса қўшаётгани тўғрисида суҳбатлашди.

«Халқ сўзи» учун махсус

— Жаноб элчи, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги ривожланиш истиқболлари тўғрисида бизнинг саволларимизга жавоб бераётганингиз учун миннатдорлик билдирамиз. Суҳбатимизни минтақавий ҳамкорликдаги ўзгаришлар ва тенденциялар ҳақида Сизнинг фикрларингиз билан бошлаш ниятидамиз.

— Бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Давлатлар ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муносабатлари мустаҳкамланиб боряпти. Ҳамма учун синовли бўлган бугунги шароитда ҳам давлатларимиз бир-биридан узоқлашмади, балки бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлади. Энди бизнинг олдимизда минтақамизни глобал иқтисодий, транспорт ва транзит “занжир”ларига чуқур интеграциясини таъминлашдек муҳим стратегик вазифа турибди.

Ўзбекистон Қирғизистонни яқин қўшни ва стратегик шерик сифатида ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Бугун биз Ўзбекистондаги туб ўзгаришларнинг гувоҳи бўляпмиз. Мамлакатнинг ички ва ташқи қиёфаси ўзгариб бормоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз кўлами ва жадал суръати билан эътиборни тортмоқда. Ўзгаришлар кириб бормаган жой ёки соҳани топиш қийин. Улар аллақачон ўзининг ижобий натижаларини намоён этмоқда. Агар сиз бизнес соҳасига назар ташласангиз, унда тадбиркорлар фаоллиги ўсаётгани, ишбилармонлик муҳити яхшиланаётгани ва шунга мос равишда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошаётганини кўришингиз мумкин.

Буларнинг барчасига катта қийинчиликлар, ҳатто маълум бир иқтисодий таваккалчилик билан эришилади, деган бўлардим. Масалан, пул-валюта сиёсатини либераллаштиришни олинг — ахир мавжуд шароитларда бу ўта қатъий ва ҳатто таваккалчилик қадами эди, лекин у ўзини оқлади. Табиийки, бундай таъсирчан миқёсдаги ислоҳотлар жараёнида баъзи қийинчиликлар ҳам юзага келади. Лекин асосийси, қатъиятли ва ғайратли, ўз мамлакатини қандай уфқларга олиб боришини аниқ биладиган ва ўз халқининг қўллаб-қувватлашидан оқилона фойдаланадиган етакчи бор. Буни Ўзбекистондаги ислоҳотлар муваффақиятининг асосий кафолати, деб ҳисоблайман.

Муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий йўналишларни самарали олдга суриш мамлакатда кенг кўламли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва халқаро майдонда мамлакат обрўсини мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилидир.

Ўзбекистон, биринчи навбатда, қўшнилари, шу жумладан, Қирғизистонга нисбатан очиқ ва тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мисли кўрилмаган стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Чегараларо ҳамкорлик кенгаймоқда, ўзаро савдо ҳажми ўсмоқда, фуқароларнинг ўзаро саёҳатлари, сайёҳлик оқимлари ва делегациялар алмашинуви сезиларли даражада ошди. Илгари муаммоли бўлган барча масалалар ижобий ҳал қилинди ёки ҳал этилмоқда.

Қирғизистон ва Ўзбекистон мунтазам равишда биз учун долзарб бўлган минтақавий ва жаҳон кун тартибидаги барча мавзу бўйича ўз позицияларини солиштириб келмоқда, ўзаро манфаатларга таллуқли бўлган масалаларни халқаро платформаларда кўриб чиқишда бир-бирини қўллаб-қувватламоқда.

Бундай ўзаро ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад тинчликни мустаҳкамлаш, бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашдан иборатлигини таъкидлаш зарур.

Қирғиз ва ўзбек халқлари — бу икки қардош халқ бўлиб, улар доимо бир-бирига талпиниб келган. Бир-биримизни боғлаб турган кўзга кўринмас асосий ришталар умумий тарихий-маданий илдизларга бориб тақалади. Савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши муносабатларимизни янада мустаҳкамламоқда. Шу боис давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболлари жуда порлоқ, деб ҳисоблайман. Эришилган марраларда тўхтаб қолмаслик, ўзаро манфаатли бўлган барча соҳада муносабатларни ривожлантириш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва қадрлаш муҳимдир.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳам сўнгги йилларда сезиларли даражада жонланганини эслатиб ўтдингиз. Афсуски, пандемия иккала мамлакат ва минтақанинг иқтисодий ривожланиш суръатларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шунга қарамасдан, 2020 йилда эришилган иқтисодий ҳамкорлик натижаларини қандай баҳолайсиз?

— Коронавирус пандемияси глобал иқтисодиёт учун жуда кучли беқарорлаштирувчи омил бўлиб чиқди. Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳам унинг таъсиридан четда қолмади. Бугун биз эътиборимизни савдо-иқтисодий алоқалар ва саноат кооперациясини жонлантиришга қаратганмиз. Ўзаро савдо-сотиқдаги тўсиқларни бартараф этиш, божхона процедураларини соддалаштириш, уларни уйғунлаштириш ва рақамлаштириш, ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш мамлакатларимиз ўртасида электрон тижоратни ривожлантиришни назарда тутувчи қўшма дастурларни амалга ошириш бу мақсадларга эришишнинг энг самарали усули ҳисобланади.

Пандемия шароитида савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларимизни ривожлантиришда янги, шу жумладан, ностандарт ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимдир.

➡ 2

Ўзбекистон юксак марраларни кўзламоқда — яқин истиқболда дунёнинг ривожланган мамлакатлари сафига қўшилмоқчимиз. Бунинг учун эса бизга янги-янги бозорлар керак. Шу боис келгусида Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик масаласи ҳамда Европа Иттифоқи билан кенг қамровли ҳамкорлик юзасидан қизғин ишлар бошлаб юборилган. Қолаверса, Ўзбекистон яқинда Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)да кузатувчи мақомини олди. Энди олдимизда янада устувор вазифалар турибди.

Нуқтаи назар

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида шу хусусда тўхталар экан, ЕОИИга аъзо давлатлар бозорларида тўлақонли иштирок этиш учун миллий техник тартибга солиш меъёрларини уларнинг талабларига мослаштириш бўйича ҳаракатларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади. Бинобарин, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида ҳам бунга доир вазифалар ўрин олган. Бунинг учун ЕОИИ мамлакатларида қабул қилинган 26 та техник регламент асосида шундай махсус талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш назарда тутилган.

Хўш, бу ислоҳотлар биз учун нима беради?

Бизни 200 миллион харидор кутмоқда

Бугун Ўзбекистон барча халқаро шериклар билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни изчил кенгайтириб боришни мақсад қилган. Шу жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан мулоқотни ривожлантириш тарафдори. ЕОИИ мамлакатлари эса, энг аввало, Ўзбекистоннинг асосий ва анъанавий савдо шерикларидир.

Хусусан, кейинги йилларда юртимизнинг ташкилот давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ортди. Мамлакатларимиз иқтисодиётлари кўп жиҳатдан бир-бирини тўлдириб туради. Турли тармоқларда самарали кооперация ва мингдан ортиқ қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилган.

➡ 3

АЁЛЛАР ШАЪНИГА АЙТИЛГАН ИЛИҚ СЎЗЛАР

қанчалик ёқимли бўлса, уни оқлаш ҳам шунчалик масъулиятлидир

8 март — Хотин-қизлар байрами муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Президентимиз нутқини диққат билан тинглар эканман, ундаги бу ёруғ дунёни қуёшсиз, ер осмонсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, ҳаётимизни ҳам мўътабар оналаримиз, меҳрибон аёлларимиздан айри тасаввур этолмаймиз, деган фикрлар кўнглимни тоғдек юксалтирди, десам, асло муболаға эмас.

Акс садо

Аёллар шаънига айтилган бундай илиқ сўзларни эшитиш қанчалик ёқимли бўлса, бу эътибор ҳамда ишончни оқлаш ҳам шунчалик масъулиятни талаб этади.

Нутқда давлатимиз раҳбари томонидан фидойи шифокорлар, меҳрибон ҳамшираларнинг кўрсатган жасорат ва матонат туфайли минг-минглаб беморлар шифо топиб, ҳаёт қувончини яна ҳис этгани, хотин-қизларнинг барча соҳадаги фидокорона меҳнати ҳисобидан мамлакатимизнинг қудрати ҳамда салоҳияти, халқаро обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани эътироф этилгани, аминманки, барча аёлни мамнун қилди.

Тан олиш керак, юртимизда бирорта аёл эътибордан, ғамхўрликлардан четда қолаётгани йўқ. Биргина мисол, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги раҳбарияти бошчилигида республика ишчи гуруҳи тузилиб, барча ҳудудда нозик хилқат эгаларини қийнаётган муаммолар аниқланди.

➡ 2

Инновация

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ СИНЕРГИЯСИ

ёхуд Мурунтовнинг океан ортидаги эътирофи

Инновация — илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий ҳамкорлиги самарасидир. Бинобарин, ҳар қандай мамлакатнинг мавқеи ҳам эндиликда саноатининг қудрати, илғор технологияга эга бўлиши билан эмас, балки уларни мутассил такомиллаштириш салоҳиятига эгалигига боғлиқ. Мамлакатимиз иқтисодиётининг йирик қувватларидан бири Навоий кон-металлургия комбинати (НКМК) Марказий кон бошқармасининг 2-гидрометаллургия заводидаги янгиланишлар бунинг яққол далилидир.

НКМК Марказий кон бошқармаси олтин ишлаб чиқариш йўналишида етакчи бўлинма ҳисобланади. Бошқарма комбинатнинг рудани қазиб олишдан тортиб, уни ташиш, қайта ишлаш ва олтин ажратиб олишгача бўлган жараёнларни ўзида жамлаган йирик саноат мажмуасидир. Ишлаб чиқариш “занжири” бир-бирига шу даражада боғланганки, бу “занжир”нинг бирор-бир ҳалқасида иш жадвалидан оғиш бошқаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бошқача айтганда, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ҳам, пасайиши ҳам — қувонч ҳам, ташвиш ҳам бирга. Табиийки, бу тахлит боғлиқлик ҳар бир янгиланишда ҳамқадамликни талаб этади.

— Бошқарманинг асосий хом ашё базаси Мурунтов конида қуввати бўйича жаҳонда ягона, унумдорлиги соатига уч минг тонна, қиялик бурчаги 37 градус, кўтариш баландлиги 270 метрни ташкил этадиган тик-қия конвейери муваффақиятларимиздан биридир, — дейди Марказий кон бошқармаси Мурунтов кони бошлиғи Отабек Равшанов. — Мазкур мажмуа конининг Жануби-Шарқий ва Шарқий бортларидаги захираларини очиш бўйича кон ишларини янада жадаллаштиришга хизмат қилиш билан бирга, амалдаги кон-техникавий вазият ва кончилик ишларининг оптимал вариантини аниқлаш имконини берди. Бу каби лойиҳалар конда ишлашнинг бешинчи навбати лойиҳасининг иқтисодий жиҳатдан самарадор чуқурлигини 950 метргача етказиш имконини таъминлайди.

Бошқарма таркибидаги иккинчи гидрометаллургия заводи жаҳон амалиётида илк бор олтинни сорбцияси тиндирилган эритмалардан эмас, балки пульпанинг суюқ фазасидан ажратиб олиш технологиясини жорий қилганлиги билан кон-металлургия саноатида алоҳида эътироф этилади. Бундан ташқари, олтин электролизининг ишлов берилган электролитларидан 999.9 софликдаги олтин олиш технологияси ҳам айнан шу заводда ўзлаштирилган.

➡ 3

Қонунчилик палатаси қўмитасида

МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан “Миллий статистика тизими қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш” мавзуида фракцияларо давра суҳбати ўтказилди. Унда “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур ҳужжат қуйи палатанинг ўтган ҳафта бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида иккинчи ўқишда кўриб чиқилиб, депутатларда унинг айрим нормалари юзасидан эътирозлар келиб чиққани сабабли масъул қўмитага қайтарилган эди. Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган давра суҳбатида мутахассислар ушбу ҳужжатнинг аҳамияти ҳамда қабул қилиниш заруратига тўхталиб ўтди.

Лойиҳа Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган. Унда расмий статистика тушунчасининг БМТ томонидан тасдиқланган тамойилларга асосланиши ҳамда халқаро статистик стандартларга мос равишда сифатга бўлган талабларнинг тўлиқ қаноатлантирилиши инобатга олинган.

➡ 2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 11 март

ҚАРДОШЛИГИМИЗ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИГИМИЗ УЧУН МУСТАҲКАМ АСОСДИР

Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Иброҳим Жунусов билан суҳбат.

1 2020 йил 8 декабрь куни Фарғона шаҳрида Қирғизистон Бош вазири вазифасини бажарувчи, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Артём Новиков ва Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов иштирокида Ўзбекистоннинг чегараолди вилоятлари ҳокимлари ва Қирғизистон ҳукуматининг чегараолди вилоятлардаги ваколатли вакиллари кенгашининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Бугунги ўзаро боғлиқлик даражаси ва республикаларимиз иқтисодиётининг салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда яқин йилларда ўзаро савдо кўрсаткичларини 1 миллиард долларга етказиш бўйича қўшма тадбирларни амалга оширишга тайёрлик билдирилди. Шунингдек, чегараолди ҳудудларда ўзбек ва қирғиз маҳсулотларини потенциал бозорларга етказиб беришни кўпайтириш ва савдо таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган чегара савдо зоналарини, улгуржи тарқатиш ва агрологик марказларни яратиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Жорий йилда ўтказилиши режалаштирилган Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳукумат раҳбарлари даражасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссиянинг 9-йиғилиши доирасида Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги анжуманини ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Умуман олганда, алоқаларнинг ҳозирги даражаси ва савдо-иқтисодий муносабатларимиз салоҳияти юқори бўлиб қолмоқда.

Шуни таъкидлашни истардимки, жиддий пандемия ҳолатида ҳам савдо алоқаларининг ўсиши давом этди. Хусусан, мамлакатлараро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йил 900 миллион доллардан ошди, экспорт эса 756,6 миллион доллар, импорт 146,5 миллион долларни ташкил этди.

Шу билан бирга, ўзаро товар айирбошлаш ва савдо ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар, савдо, логистика ҳамда саноат марказларини яратиш, транспорт-логистика, мультимодаль транспорт йўналишларини биргаликда ривожлантириш ва тармоқлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш зарур.

Мавжуд сиёсий муҳит икки мамлакат ўртасидаги шерикликнинг очиқ ва изчил ривожланишига хизмат қилмоқда. Бундан кейин ҳам барқарорликни сақлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимдир.

— Халқларимиз тарихи ва маданияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу бугунги кунда яқин дўстлик ва шерикликни ривожлантириш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда ҳам, Қирғизистонда ҳам ўзбек ва қирғиз миллатига мансуб жуда кўп фуқаролар яшайди. Ушбу босқичда сўнгги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, халқ дипломатияси қардош мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка қандай таъсир қилмоқда?

— Маълумки, халқ дипломатияси мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг барча жабҳасини чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Мамлакатларимиз қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасидаги тарихий дўстлик ришталари асосида маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга устувор аҳамият бермоқда. Ўтказилган қатор йирик маданий тадбирлар ушбу йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштиришнинг ёрқин намунаси бўлди.

Икки мамлакатда ўтказиладиган маданий-маърифий, спорт ва ёшлар тадбирларида фаол ўзаро иштирок этиш яхши анъанага айланди. Мамлакатларимизда миллатлараро мулоқотни мустаҳкамлаш учун барча зарур шароит яратилмоқда.

Ўзбекистонда 6 та қирғиз миллий маданий маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда. Улар Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ташкил этилган. Ушбу марказларнинг айрим фаоллари “Дўстлик” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари каби юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган. Мамлакатингизда оммавий ва миллий байрамларга бағишланган деярли барча тадбирлар миллий маданий марказлар, шу жумладан, қирғиз маданий марказлари иштирокида ўтказилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик мавзусини давом эттирар эканман, шуни ҳам таъкидлашни истардимки, сўнгги пайтларда икки мамлакат музей муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Жумладан, жорий йил 2 март куни қадимий Хива шаҳридаги “Ичан қалъа” очиқ осмон остидаги музей-қўриқхонасида Ўш шаҳридаги “Сулаймон-Тоо” музей мажмуасининг кўргазмаси очилди ва Ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Самарали ҳамкорлик, доимий маълумот ва тажриба алмашиш, ўзаро қўллаб-қувватлаш ҳам COVID-19га қарши курашишнинг асосий омилига айланди. Шуни таъкидлаш керакки, пандемияга дуч келган мамлакатларимиз ушбу инқироздан чиқиш учун юқори даражадаги ҳамкорликни намойиш этмоқда. Икки мамлакат соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасида доимий мулоқот мавжуд, тезкор маълумот ва тажриба алмашинуви амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан биродар Ўзбекистон томонидан Қирғизистоннинг COVID-19га қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун Бишкек шаҳри ва Баткен вилоятининг Қадамжой туманида модулли шифохоналар қурилди.

Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон қийин даврда биринчилардан бўлиб ўзининг ҳақиқий дўстлиги ва бирлигини намойиш этиб, бизга ёрдам қўлини узатди. Бугунги шароитда, шубҳасиз, пандемия ҳамда унинг оқибатларига қарши курашишда эришилган ҳамкорлик даражасини сақлаб қолиш ва янада мустаҳкамлаш муҳим бўлиб қолмоқда.

— Аввалги саволга қўшимча тарзда, ўзбек тилини мукаммал билишингизни қайд этишни истардик. Сиз оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, “Дунё” ААга ҳам интервьюларингизни, одатда ўзбек тилида берасиз. Кундалик фаолиятингизда ўзбек тили, халқимиз маданияти ва урф-одатларини билиш сизга қандай ёрдам бермоқда?

— Бундай баҳо, албатта, мени мамнун қилади. Аммо мен халқларимиз маданияти ва урф-одатлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигига эътибор қаратмоқчиман. Қадим замонлардан буён икки қардош халқ бир-бири билан яқин мулоқот қилган, қуда-анда бўлиб яшаган, оддий одамлар ёнма-ён барча қийинчиликларни бошдан кечирган, бир-бирига ёрдам берган ва қўллаб-қувватлаган. Тилларимизнинг яқинлигини эса алоҳида таъкидлаш мумкин.

Менинг болалик йилларим ўзбек халқи билан яқин алоқада ва дўстона ўтган. Шу боис юртингиз менинг қалбимга жуда яқинлиги ва ўзбек тили она тилимдек бўлиб қолганида ҳайратланарли жой йўқ.

Бизнинг биродарлигимиз ҳозир ҳам, келажакда ҳам доимо самарали ҳамкорлигимиз учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

— Давлатимиз раҳбари биринчилардан бўлиб Садир Жапаровни 10 январь куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриклади. Кейин қирғиз оммавий ахборот воситалари Қирғизистоннинг янги Президенти яқин вақт ичида Ўзбекистонга ташриф буюришни режалаштираётгани ҳақида хабарлар тарқатди. Олий даражадаги Ўзбекистон — Қирғизистон саммити якунлари бўйича нималар кутилмоқда, бу мамлакатларимиз ва минтақадаги бошқа шериклар учун қандай истиқболларни очиши мумкин?

— Тўғри айтасиз, 11 январь куни Ўзбекистон Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев биринчилардан бўлиб Қирғизистоннинг сайланган Президенти Садир Жапаровни президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси, шунингдек, Қирғизистон Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича референдум муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Телефон орқали мулоқот давомида икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича илгари эришилган келишувларни амалга оширишнинг муҳимлиги қайд этилди.

Бу, аввалambор, давлат чегарасини делимитация қилиш, савдо ҳажмини ошириш, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперацияни кучайтириш, минтақалараро алоқаларни кенгайтириш ва гуманитар алмашинув, самарали транспорт коммуникацияларини ривожлантириш юзасидан минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги ишларнинг самарадорлигини таъминлаш масалаларига тегишлидир.

Давлат раҳбарлари ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини фаоллаштириш, шунингдек, ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича қатор тадбирларни ўтказишга келишиб олдилар.

Яқин ва конструктив мулоқотни давом эттириш, халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасидаги ўзаро қўллаб-қувватлашдан манфаатдорлик билдирилди.

11-12 март кунлари Президент Садир Жапаров давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келади. Ушбу ташриф самарали бўлиб, қирғиз — ўзбек дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларни сифат жиҳатидан янги мазмун билан тўлдириш учун яхши замин яратишига ишончим комил.

Ўзбекистон Қирғизистоннинг энг яқин қўшниларидан биридир. Мамлакатимиз учун икки томонлама муносабатларнинг барча йўналишида Ўзбекистон билан дўстона ва яхши қўшничилик алоқаларини янада изчил ривожлантириш ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатларимиз ўртасида ўрнатилган яқин ва ишончли алоқалар, тўғридан-тўғри ва мунтазам мулоқот туфайли икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда сезиларли ижобий изчиллик ҳукм сураётганини қайд этиш лозим.

— Жаноб элчи, мазмунли суҳбат учун ташаккур!

«Дунё» АА.

МИЛЛАТИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

Юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш, меҳнат ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, қизларимиз истеъдодини рўёбга чиқариш, замонавий билим ҳамда касб-ҳунарларни эгаллаши учун имконият яратиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилган.

Дил сўзи

Миллий қонунчилигимизда аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги, аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоялашга қаратилган қонунлар, Президентимизнинг уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Оила, аёллар масалалари парламент даражасида муҳокама қилинадиган бўлди. Қонунчилик палатасида комиссия, Сенатда эса алоҳида қўмита фаолияти йўлга қўйилди. Гендер тенгликни таъминлаш юзасидан республика комиссияси ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Натижада хотин-қизларнинг соҳа ва тармоқлардаги ўрни янада ортиб боряпти. Бугун мамлакатимизда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари тизимида 1 400 га яқин хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида фаолият юритаётир. Бу борада улар иштирокини кучайтириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол кадрлар захираси шакллантирилди.

Давлатимиз раҳбари Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Бундай замонавий билим ва истеъдодга, етакчилик қобилиятига эга, эл-юртимиз учун фидойи хотин-қизларимиз — халқимиз, миллатимизнинг олтин фонди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди”, дея таъкидлади. Буни биз, аёллар фаолликка, изланишга, интилишга даъват, деб қабул қилиб, салоҳиятимизни юрт ривожи йўлида ишлатишимиз, ишончни оқлашимиз лозим.

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
II даражали «Саломатлик» ордени соҳибаси.

МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

1 Бундан ташқари, лойиҳада халқаро амалиёт ва умумэътироф этилган стандартларга мувофиқ “расмий статистика” тушунчаси ҳамда соҳада қўлланиладиган асосий тушунчалар, миллий статистика тизими таркибига статистика органлари билан бир қаторда, расмий статистика масалалари доирасида бошқа расмий статистикани ишлаб чиқувчи ва тарқатувчи маъмурий органлар киритилган.

Муҳокамаларда депутатлар, мутахассислар томонидан билдирилган кўплаб фикр ва таклифлар кўриб чиқилиб, улар асосида лойиҳага тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар ҳам киритилгани қайд этилди.

Хусусан, қонунчилик техникаси қоидалари асосида қонун лойиҳасидаги бўлимлар номланиши ҳамда айрим моддалар қайси бўлимга тегишлилиги кўриб чиқилиб, қайта жойлаштирилган, лойиҳада статистика органлари ва бошқа расмий статистикани ишлаб чиқувчиларнинг ҳуқуқлари билан биргаликда вазифалари ҳам батафсил очиб берилган.

Ялпи статистика кузатувлари ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган статистика ҳисоботи шакллари асосида, танланма статистика кузатувлари расмий статистикани ишлаб чиқувчилар томонидан тасдиқланган статистика кузатувлари шакллари асосида ўтказилиши белгиланди. Сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан лойиҳадаги расмий статистика, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабат субъектлари, қолаверса, миллий статистика тизими каби тушунчалар муҳокама қилиниб, уларнинг мазмун-моҳияти кенгроқ ёритилиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Якунда билдирилган тавсиялар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта қилиб, маромига етказишда инобатга олиниши таъкидланди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИ ҚОНУНЛАР — СОҲА ТАРАҚҚИЁТИ ПОЙДЕВОРИ

1 Бундан ташқари, қонунда Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг деҳқон хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ваколатлари акс эттирилган.

“Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонун ҳам ҳалқимиз учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Қонун белгиланган тартибда хусусийлаштирилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари билан боғлиқ муносабатларга, шунингдек, мерос сифатида қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Шунингдек, томорқа хўжалигини юритиш тадбиркорлик фаолияти ҳисобланмайди ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди.

Томорқа хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш (қайта ишлаш) бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил равишда амалга оширувчи шахс аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олиши мумкин.

Қонунда томорқа хўжалиги шахсий томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ҳам эркин савдо учун, ҳам оила эҳтиёжлари учун етиштириш билан боғлиқ меҳнат фаолияти эканлиги белгилаб қўйилган.

“Экологик аудит тўғрисида”ги қонун эса экологик аудитнинг асосий принциплари, стандартлари, экологик аудитни ўтказиш, турдош хизматлар кўрсатиш ва экологик аудиторлар ишининг сифатини назорат қилиш тизимини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Шу билан бирга, қонунда миллий экологик аудит стандартлари, экологик аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир ягона талаблар аниқлаштирилган.

Экологик аудиторлик ташкилотлари экологик аудитни ўтказиш чоғида шартномага мувофиқ халқаро экологик аудит стандартларини қўллаши мумкин.

Қонунда экологик аудитнинг асосий вазифалари ҳам қайд этилмоқда. Жумладан, экологик аудит субъекти амалга оширадиган саъй-ҳаракатларнинг экологик жиҳатлари тўғрисидаги ишончли ахборотни тўплаш шулар жумласидан. Бундан ташқари, экологик аудит субъекти фаолиятининг атроф-муҳит ҳолатига таъсирини баҳолаш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши хавфини камайтириш кабилар ҳам ҳужжатда батафсил белгиланмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур қонунларни ҳаётга татбиқ этиш натижасида, ер участкалари деҳқон хўжаликларига ижара ҳуқуқи асосида берилиши, шунингдек, ушбу ерларда қонунга хилоф равишда қурилишлар амалга оширилиши, деҳқон хўжаликларига ажратилган ер участкаларининг ноқонуний ёки турли баҳоналар билан олиб қўйилишининг олдини олишга, ерга бўлган ҳуқуқ кафолатларини янада кучайтиришга эришилади.

Айни чоғда томорқа хўжалигидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилади ҳамда шахсий томорқа ер эгалари ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати яхшиланади.

Бундан ташқари, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, экологик аудит субъектининг хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби ҳуқуқлари кучайтирилади.

Рисқул СИДДИҚОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари,
Фурқат ОЧИЛОВ,
қўмита масъул ходими.

ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Эртага Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Ушбу тадбирдан ўрин олган қонунлар, юртимиз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир бошқа долзарб масалалар парламент юқори палатаси қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмоқда.

Сенат қўмиталарида

Блогерлар ўзлари тарқатаётган контентлари устидан доимий мониторинг олиб бориши керак бўлади

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида Сенатнинг ўн учинчи ялпи мажлисига киритилган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Сўнгги йилларда юртимизда сўз эркинлигини амалда таъминлаш учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Бироқ айрим веб-сайт ёки веб-сайт эгалари, жумладан, блогерлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларда ахборот олиш ҳамда уни тарқатиш маданияти тўлиқ шаклланмагани сабабли бошқаларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказаётгани кузатиляпти. Шулардан келиб чиқиб, қонун билан Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ҳужжатда веб-сайт ёки веб-сайт эгалари, жумладан, блогерларнинг оммавий тартибсизликлар ва зўравонликка даъват этиш, аҳоли осойишталигига таҳдид солувчи ёлғон маълумот тарқатиш, зўравонлик ёки шафқатсизликни тарғиб қилишга доир ахборотларнинг тарқатилиши ва уларнинг олдини олишга қаратилган янги нормалар киритиляпти.

— Қонун билан ҳуқуқий бўшлиқлар тўлдирилади, — дейди сенатор Энахон Сиддиқова. — Айниқса, вояга етмаганларни уларнинг ҳаёти ва соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни содир этишга ундаш ва бошқа тарзда жалб қилишга йўналтирилган ахборотларни тарқатиш сингари қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, бундай ҳуқуқбузарликка нисбатан жазо чораларини кучайтириш, шунингдек, веб-сайт ёки веб-сайт саҳифаси эгаси, жумладан, блогерлар ўзлари тарқатаётган контентлари устидан доимий мониторинг олиб бориши кераклиги назарда тутилаётгани айни муддао.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан тақдим этилган Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Г. Ҳайдарованинг халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашининг 2017 йил 27 июндаги “Қарши шаҳар ҳокимининг 2011 йил 20 майдаги Х-379/5-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида”ги қарорини бекор қилиш ҳақидаги мурожаати юзасидан қўмита томонидан ўтказилган ўрганиш натижаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, Қарши шаҳар ҳокимининг 2011 йил 20 майдаги қарорига асосан Пахтазор кичик туманида жойлашган хонадон фуқаро Г. Ҳайдарова номига хусусийлаштирилган, 2011 йил 28 июль куни уй-жойга ҳуқуқий эгалик қилиш давлат ордери ҳамда 2015 йил 22 сентябрда кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб, мулкка эгалик ҳуқуқи берилган.

Бу борада юзага келган зиддиятли вазият Сенат қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан ўрганилган. Йиғилишда ўрганиш натижалари кўриб чиқилди ҳамда Сенат Кенгашига бу қарорни бекор қилиш масаласини Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритишни тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Вазирлик ахбороти эшитилди

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси йиғилишида ҳам ялпи мажлисда кўриладиган масалаларга урғу берилди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароит тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилиниб, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига қўшимча вазифалар белгиланган эди. Йиғилишда ана шу вазифалар ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, қиз болаларни барвақт турмушга бериш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан вазирликнинг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, жамиятда оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар самарадорлигини баҳола механизми ишлаб чиқилган. Қолаверса, ҳудудларда ушбу йўналишдаги ишларни яхшилаш юзасидан бир қатор жамоатчилик кенгашлари, тузилма ва комиссиялар фаолияти йўлга қўйилган. Аҳоли ҳамда ёшлар ўртасида ноқонуний ва эрта, шунингдек, қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Тадбирда бу борадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилиб, кўрилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

АЁЛЛАР ШАЪНИГА АЙТИЛГАН ИЛИҚ СЎЗЛАР

қанчалик ёқимли бўлса, уни оқлаш ҳам шунчалик масъулиятлидир

1 Улар бўйича мансилли иш олиб бориш учун мутлақо янги тизим — “аёллар дафтари” жорий этилди. Кейинги уч ойда республика комиссияси томонидан ушбу “дафтар”га киритилган саксон минг нафар хотин-қизнинг муаммолари ҳал этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир аёлларнинг 32 минг нафари иш билан таъминланди. Ўз навбатида, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан салкам 17 минг нафар хотин-қизга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Аминманки, бу ғамхўрликларни оналаримиз, опа-сингилларимиз юракдан ҳис қилишяпти. Давлатимиз шунчалик бизнинг бошимизни силаётган экан, биз ҳам шу азиз Ватан учун бор меҳримизни беришимиз, фарзандлар тарбияси йўлида фидойилик кўрсатишимиз лозим, деб астойдил ҳаракат қилмоқда.

Ишонаманки, юртимиз кучқудрати ва халқаро обрў-эътиборини янада юксалтиришда аёлларимиз фаол ва ташаббускор бўлади.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Уй-жой қурилиши:

ХАЛҚ РОЗИЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Ўтган ҳафта Президентимиз раислигида уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва бу борада танлаш имкониятини кенгайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар, устувор вазифалар белгилаб берилди.

Қуйи палата депутатлари бу хусусда ўз муносабатини билдирди.

Муносабат

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Эҳтиёжманд оилалар учун ажратиладиган уй-жойлар борасида фуқаролар томонидан айрим ҳолларда хонадонлар “ҳақиқий эгаси”ни топмаслиги бўйича эътирозлар ҳам билдирилади.

Йиғилишда шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий Кенгаш депутатлари, жамоат фаоллари иштирокида “халқпарвар комиссия” ташкил этиш таклифи билдирилди. Улар қурувчига ернинг адолатли ажратилиши, имтиёзга мос эҳтиёжманд оилалар рўйхатининг шаклланиши ва қурилишлар сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади, маҳаллаларда аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боради.

Бу, маълум маънода, аҳоли бандлигини ҳам таъминлайди. Асосийси, ушбу хайрли ташаббуслар айни ўз вақтида амалга оширилаётган бўлиб, натижада минглаб оилалар ўзининг кўп йиллик орзуларига эришади. Айниқса, ёш оилалар мустақил ҳаётини энг катта муаммоси — ўз хонадонига эга бўлиш орқали шахдам қадамлар билан бошлайди. Албатта, ушбу масала депутатлар учун ҳам катта масъулият юклайди.

Махфират ХУШВАҚТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Йиғилишда давлатимиз раҳбари жорий йилда 54 минг оила уй-жой билан таъминланиши ва бунда 45 мингта хонадон давлат ипотека дастури доирасида қурилишини қайд этди. Шу билан бирга, эндиликда уй-жойлар қурилиши учун давлат томонидан ҳам аҳолига, ҳам қурувчиларга катта имтиёзлар берилади. Ўтган йил пандемия даврида қурувчиларга берилган имтиёзлар бу йил якунигача сақлаб қолинади.

Президентимиз томонидан илари сурилган ҳаётий ташаббуслар, ўз навбатида, биз, парламент аъзоларидан ҳам улкан масъулият талаб қилади. Эндиликда депутатлар аҳолини арзон ва сифатли уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни тизимли ва изчил назорат қилиб, мазкур хонадонлар ҳақиқатан ҳам уй-жойга эҳтиёжи бор оилаларга берилишини таъминлашимиз зарур.

Қад ростлайдиган уй-жойлар қурилишида энергетик ва моддий ресурсларни истеъмол қилиш даражасини тушириш, қурилишнинг инсонлар саломатлиги ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, шаҳарларнинг “яшил белбоғлари”ни кенгайтириш ва ҳимоя қилиш, тоза чучук сув манбаларини муҳофаза қилиш каби устувор вазифаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Видеоселекторда ўтган тўрт йилда 140 мингта уй-жой қурилиб, аввалги даврдаги кўрсаткичдан 4-5 баравар кўп бўлишига қарамасдан амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслиги, ушбу соҳага эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидланди. Шу билан бирга, уй-жой нархини арзонлаштириш, қурувчи танлашнинг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш, қурилиш соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш ва бир қатор масалалар бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Албатта, буларнинг барчаси фуқароларнинг орзулари ушалиши билан биргаликда, уй-жой қурилиши соҳасининг ривожланишига хизмат қилади. Жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишининг ўсиши, соҳада савдо айланмаларининг ҳажми ошиши, қурилиш ишларига жалб қилинганлар ҳисобига маълум бир кўрсаткичда ишсизлик даражаси камайиши, кредит-молия тизими янада ривожланишига эришилади.

Ўз навбатида, уй-жой қурилиши ва ипотека тизимида мавжуд қонун ҳужжатлари ҳам бу йўлда ўз устуворлигини йўқотмаслиги учун, уларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришимиз мақсадга мувофиқ.

«Халқ сўзи».